

ЁШЛАРНИНГ ТАДБИРКОРЛИК ВА ИШБИЛАРМОНЛИК ҚОБИЛИЯТЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ

Худоёрова Ойсоат Келдиёровна

*Тошкент тиббиёт академияси, педагогика
фанлари номзоди, доцент:*

Сайитмуратов Нодиржон Боймурот ўғли

*Тиббий профилактика ва жамоат саломатлиги,
экологияатроф муҳит муҳофазаси ва
кимё факультети 402-А гуруҳ талабаси*

Ибрагимова Жозиба Орзимурод қизи

*Педиатрия, стоматология, халқ табobati ва
тиббий педагогика факултети 104-Б гуруҳ талабаси*

Аннотация: Мақолада ёшларнинг психологик хусусиятлари ва қобилиятларининг ўзига хос хусусиятлари, тавсифли жиҳатлари, руҳий физиологик сифатлари ёритилган. Шунингдек, ёшларнинг тадбиркорлик фаолиятида ишбилармонлик жиҳатлари, билим ва тажрибага эга бўлиши, ишлаб чиқариш техника ва технологиясини чуқур билиши, бошқариш усуллари яхши ўзлаштиришига доир зарур илмий-амалий тавсиялар берилган.

Калит сўзлар: Ёшлар фаолияти ва фаоллиги, ижодкорлик, интилувчанлик, дадиллик, мардлик, ишонч, ишбилармонлик, тадбиркорлик, меҳнатсеварлик, технология, рақобат, интеллектуал салоҳият, ирода, масъулият, муваффақият.

Ёшлар фаолиятида тадбиркорлик ва ишбилармонлик хусусиятларини мужассамлаштириш муҳим ҳисобланади. Бунда улар фаолиятининг руҳий-психологик хусусиятлари – нутқ ва тафаккур сифатлари, кучли хотира, диққат, соғлом ақл, фикр кенглиги, чуқурлиги, тезлиги, муаммо моҳиятини тез англаб олиши, ижодийлик, фикрни оғзаки ва ёзма шаклда қисқа, тушунарли ва аниқ тарзда ифодалаш зарур. Айниқса, ёшлар фаолиятининг ўзига хос тавсифли жиҳатларидаги мақсадга интилувчанлик, дадиллик, мардлик, ишонч, ўзини тута билиш, ўзи ва бошқаларни бўйсундира олиш ва таваккал қилиш, қийин вазиятларда ҳам мулоҳазали, мулоқотга киришувчанликда тўғри ҳаракатлар қила олиш қобилиятига эга бўлиши муҳим аҳамиятга эгадир. Ёшларнинг

хулқ - атвор сифатларида уларнинг самимийлиги, ҳалоллиги, руҳий физиологик сифатларида арзимас нарсалардан жаҳли чиқмаслиги, аччиқланмаслиги, ўзини англашда фаоллик кайфиятида ўта сезгир жисмонан соғлом бўлиши аҳамиятлидир. Ёшларнинг тадбиркор фаолиятида ишбилармонлик сифатларининг мавжудлиги яъни: юқори укув ва малака, янги

технология талабаларига мос билим ва тажрибага эга бўлиши, ишлаб чиқариш техника ва технологиясини чуқур билиши, бошқариш усуллари яхши ўзлаштирган бўлиши, ўз билим, малака, кўникмаларини ошириб боришига алоҳида эътибор берилди. Ёш тадбиркорнинг ташқи кўриниши тоза озода, тартибли, зиёли, нафосатли бўлиши керак. Худди шу хусусиятлар бозор иқтисодиёти талабаларига тўғри келади. Хусусан, тадбиркорнинг ниҳоятда ақлли, тарбияланган, фикри теран бўлиши, бозор иқтисодиёти шароитининг муҳим талабидир. Тадбиркорлик фаолиятида соф ахлоқий-руҳий муҳит яратилса, ижодкорлик, касбга қизиқувчанлик барқарор тус олади. Шахсда яхши ният пайдо бўлади, мақсад ва эҳтиёжларини қондиришга интилиш, меҳнатсеварлик кучаяди. Ишчанлик ва талабчанликни одамийлик билан уйғунлаштирилиши натижасида яхши кайфият туғилади. Бу айнан тадбиркорга хос хусусиятдир. Тадбиркорлик фаолиятида ҳар хил зиддиятлар ва можаролар учраб туради. Хусусан, меҳнат шарт-шароитлари, моддий ва маънавий эҳтиёжларнинг қондирилмаслиги, меҳнатдан қониқмаслик шулар жумласидандир. Бундай зиддиятларнинг бир неча сабаблари мавжуд бўлиб, улар: моддий-техник, ҳўжалик ташкилий, ижтимоий-касбий ва демографик, ижтимоий-психологик сабаблардир.

Ёшларнинг ўз фаолиятига лаёқатли, интилиши кучли, қатъий қизиқувчан бўлиши уларнинг ҳар қандай ҳаракатларини тезкор самарали амалга ошириш имконини беради. Бунда инсон фаолиятининг кучайганлиги, тезлашганлиги ва яратувчанлиги юзага келади. Инсон ўзининг билимлари, касбий кўникмалари, ақлий малакалари билан ижодиёт даражасига ўсиб ўтади. Натижада ижодий маҳсуллар, янгиликлар, қонуниятлар вужудга келади ва жамият тараққиётининг ҳаракатлантирувчи кучига айланади. Агарда фаолият тажрибалар билан узвий боғланса, унинг самарадорлиги, мақсадга йўналганлиги, амалга ошиш имконияти юксак босқичга кўтарилади. Шахсда табиат ва жамиятга нисбатан идеал, реал, рационал ва ижодий муносабат таркиб топади. Бу ҳолат ижтимоий хусусият ва умумбашарий аҳамиятга эгадир.

XXI асрда яшовчи ёшлар онгли, ўзи-ўзини англаш имкониятига эга. Ўзи-ўзини англаш жараёни эса миллий ўзлигини англаш билан узвий боғлиқ бўлиб, инсоннинг донишмандлигини намоён этади. Инсон ўз-ўзини англаш жараёнида ҳозирги ва фавқулоддаги ҳолатни таҳлил этади, шахсий имконияти билан таққослайди, келажакдаги истикболли режаларни белгилайди. Ўзининг нималарга қодирлиги юзасидан мулоҳаза юритади ва бу борада муайян қарор қабул қилишга ҳам эришади. Ўз ақли асосида ўзининг “Мен” ига аниқлик киритади. Ёшлар иродали бўлсалар улар ўз хатти-ҳаракатларини ўзлари бошқарадилар ва ўзларини ўзлари қўлга олиб, ўзларини назорат этадилар. Ирода шахснинг фаоллигини таъминлайди. Иродавий фаолият инсоннинг бутун ҳаёт

йўлини аниқлаб, унинг ижтимоий қиёфасини белгилаб беради. Ирода орқали инсон онгли ҳаракат қилади, ўз мақсади йўлидаги тўсиқларни енгишни кафолатлайди.

Республикамизда иқтисодий ўсишнинг муҳим шартларидан бири иқтисодиётда, шу жумладан кичик ва хусусий тадбиркорликда рақобот муҳитини шакллантириш ва ривожлантиришдан иборатдир.

Кичик ва хусусий тадбиркорлик ҳалол рақобат муҳити шаклланган шароитда кенг ривожланади. Рақобот эса кичик корхоналардан йирик корхоналар ўсиб чиқишини таъминлайди. Кичик ва хусусий тадбиркорлик бандлик муаммосини ҳам ҳал этишда муҳим аҳамият касб этади. Бугунги кунда кичик бизнес кенг ривожланмаган замонавий иқтисодиётни тасаввур этиб бўлмайди. Интеллектуал салоҳиятли, билимли, тадбиркор, ишбилармон йигит-қизларимиз сафи қанча кўпайса, уларнинг юртимиз тараққиётига қўшадиган ҳиссаси ҳам шунча ортади.

Ёшлар тадбиркорлик фаолиятининг ахлоқий қоидаларидан энг муҳими ҳалолликдир. Соф имон амри таълимотига кўра, бу тадбиркорлик ва тижорат билан шуғулланувчилар учун шарт бўлган қоида ҳисобланади. Ҳалоллик билан иш юритиш, бировнинг ҳақидан ҳазар қилиш, ғирромлик ва қаллоблик билан иш юритмаслик, ваъданинг устидан чиқиш, шериклар билан тузилган шартнома шартларини тўла-тўқис ва ўз вақтида бажариш каби фазилатларга эга бўлган шахсдан ҳақиқий тадбиркор чиқади. Қаллоблик йўли билан амалга ошириладиган фаолият ниҳоятда қалтис ва умри қисқа эканини ҳар бир тадбиркор билмоғи керак. Биламизки, салбий хусусиятни кимдир қилса, унинг ёмон оқибатлари бутун бир миллатга ор-номус келтириши мумкин. Юқорида айтиб ўтганимиздек, мамлакатнинг ободлиги, халқнинг фаровон ҳаёт кечириши, қолаверса, давлатимизнинг буюк келажагини таъминлаш кўп жиҳатдан фуқароларнинг тадбиркорлиги ва ишбилармонлигига боғлиқ. Бу ишга жазм этган киши фаолиятининг натижалари ва самарадорлиги учун масъулиятни тўла-тўқис ўз зиммасига олади. Чунки кўрилган фойда ҳам, зарар ҳам уники ҳисобланади. Шунинг учун ҳаражатларини олинган даромад ҳисобидан қоплаши ва маълум миқдорда фойда ҳам олиши керак. Кўриладиган фойда миқдорини муттасил ошира боришга интилиши лозим. Акс ҳолда, инқирозга учрайди. Демак, тадбиркор чинакам мулк соҳиби бўлиши, фаолиятини бошлаш ва давом эттириш учун моддий имкониятлари зиёда бўлишига эътибор бериши зарур.

Тадбиркор шахс ўз фаолияти иқтисодий рақобатбардош бўлишига ҳаракат қилиши керак. Рақобат курашининг моҳир иштирокчиси бўлган тадбиркоргина ўз фаолиятининг натижаларидан мамнунлик туйиши мумкин. Демак, инсон ижтимоий моҳиятининг асосини унинг ишбилармонлик қобиляти, бу қобилят асосини эса, турли билимлар мажмуи ташкил этади. Ёшларнинг тадбиркорлик ва

ишбилармонлик фаолиятидаги билимлари қанчалик кенг ва кўп қиррали бўлса, унинг маънавий дунёси ҳам шунчалик бойиб, шахс сифатида ҳар томонлама юксалиб боради. Бунинг учун у тинмай изланишда, билим олиш ҳаракатида бўлиши керак. Маълумки, қобилият табиий равишда шаклланади ва муайян режа асосида ривожланади. Ўзбекистонда ёшлар масаласи давлат сиёсатининг энг устувор йўналишларидан биридир. Мамлакатда ёшларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимоя қилиш, уларга зарур шарт шароитлар ва имкониятларни яратиб ериш борасида мустаҳкам ҳуқуқий база яратилган ва бу тизим замон талабларига ҳамоҳанг равишда такомиллаштирилиб борилмоқда. Мамлакатимиз раҳбари ва ҳукумат ёш авлодни ҳар томонлама етук ва баркамол, интеллектуал салоҳиятли, юртнинг эртанги муносиб келажаги учун дахлдор, мақсадга интилувчан, ғайратли, фидойи, ватанпарвар, садоқатли комил инсонларни тарбиялаш Ўзбекистонни дунёнинг энг ривожланган давлатлари қаторидан ўрин олишининг муҳим омили эканлигини жуда яхши англайди. “Фарзандларимизнинг истеъдод ва қобилияти, эзгу интилишларини тўлиқ рўёбга чиқариш, ижтимоий фаоллигини ошириш, ҳаётда муносиб ўрин эгаллашлари учун барча имкониятларни яратиб бериш бундан буён ҳам бош мақсадимиз бўлиб қолади”. **1. Президент Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг йигирма тўққиз йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги нутқи. 05.09. 2020.**

Бугунги кунда кичик бизнес кенг ривожланмаган замонавий иқтисодиётни тасаввур этиб бўлмайди. Интеллектуал салоҳиятли, билимли, тадбиркор, ишбилармон йигит-қизларимиз сафи қанча кўпайса, уларнинг юртимиз тараққиётига қўшадиган ҳиссаси ҳам шунча ортади. Тарихдан маълум, қайси бир халқ тадбиркорликни одат қилса, унинг юрти ободлик, фаровонликка эришган. Ёшларнинг ишбилармонлик ва тадбиркорлик қобилиятини ривожланишига ижобий таъсир этувчи қуйидаги фазилатларни алоҳида таъкидлаб ўтиш лозим:

- ...иш фаолиятида назарий-амалий кўникмаларга эга бўлиш;
- ...амалдаги қонунларни тўлиқ тушуниш ва уларга итоат этиш;
- ...ҳалоллик, ростгўйлик, ваъдага вафо қилиш;
- ...келажакка интилиш, эртанги кунни кўра билиш;
- ...амалга ошираётган фаолиятида бурч ҳиссини сезиш;
- ...инсонпарварлик, меҳнатсеварлик мардлик, жасурлик, шиддатлилик сифатларни намоён этиш;
- ...сабр-қаноатлилик, саховатпешалик ва бошқа шу каби хислатларни шакллантириш зарурдир.

Ҳаётда ўз фикрига эга бўлган ва уни эркин ифода этадиган ёшлар аниқ ва асосли мақсадга эга бўлиб, ўз ғояларини амалга оширишнинг масъулиятни ҳис этади. Ватанга содиқлик, фидойилик ва фуқаролик ҳис туйғуси билан ўзининг

маданий, тарихий, маънавий-маърифий билимини доимо ошириб боради. Бу эса ёшларга мустақил фикрлаш, ўйлаб ҳаракат қилиш, миллий ифтихор ва кадр-қиммат ҳиссини чуқур англаш, ҳаётда ўз ўрнини топиш имконини беради. Энг муҳими маънавий тарбияланган ва ақлий қобилиятга эга бўлган ёшлар амалий ишлай олади. У мамлакатнинг ижтимоий сиёсий ва иқтисодий ҳаётида фаол иштирок этади. Ёшлар тадбиркор бўлса, бу унинг энг фойдали фаолияти билан шуғулланиши ва ўзига қулай шароитларни яратишига имкон беради. Жамиятда ёшлар илмли бўлса, у ўзи яшаётган давлатдаги барча қонун қоидага эътиборли ва унга амал қилувчи, ўз касбининг устаси бўлишга эришади. Дарҳақиқат, ҳаёт ҳақиқатини яхши англаган ёшлар ўзи учун зарур бўлган барча билимларни олишга интилади. Бу эса уларнинг аниқ мақсад билан мамлакат келажаги сари олға интилиши учун зарурдир. Бугунги кунда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг таъсири жамиятимиз ривожига алоҳида ўрин эгаллайди. Тадбиркорлик қадим замонлардан буён алоҳида аҳамиятга эга бўлган. Ота-боболаримиз ўз ери, ўз мулки, ўз касбу ҳунарига эга бўлиш, омилкорлик билан иш юритиш, тадбиркор ва ишбилармон инсонларни кадрлаганлар. Шу ўринда Соҳибқирон Амир Темур бобомизнинг барчамизга яхши маълум бўлган “Азми қатъий, тадбиркор, ҳушёр, мард ва шижоатли бир киши мингта тадбирсиз ва лоқайд кишидан афзалдир”, деб айгган чуқур маъноли сўзларини яна бир бор эслаш лозим. Тадбиркорлик, ишбилармонлик халқимизнинг, миллатимизнинг қон-қонига, сингиб кетган ноёб ва эзгу фазилатдир. **Хулоса сифатида айтиш мумкинки**, бугунги кун ёшларида худди шу сифат, фазилатлар, янги фикр ва ғоялар, ташаббускорлик, яратувчилик қобилиятларини юзага чиқариш ва ўз ишини ривожлантириб, улкан муваффақиятларга эришиш имкониятлари мавжуд. Тадбиркор ёшлар қонун ҳужжатларига мувофиқ катта ҳажмдаги ишларни бажарадиган шижоатли ва иродали, энг керак пайтда ўйлаб иш кўрадиган, чорасини гопа оладиган, топқир, ихтирочи, ишга амалий ёндошадиган инсондир. У ўз кучига ишонади ва самарали меҳнати орқали яхшигина ижтимоий фойдали ишларни амалга оширишга ҳам имкон топади. Тадбиркор ёшларнинг ўзига хос ноёб жиҳатлари уларнинг мустақил фикр юритиши, ташаббускор бўлиши, жавобгарлик ҳисси билан яшаши, иқтисодий эркинлик, масъулият, рақобат, фойдага эриша олиши, ҳалоллик билан иш юритиши, обрў, муомала маданиятига эга бўлишида намоён бўлади. Ёшларнинг тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришда қуйидаги жиҳатларга алоҳида эътибор берилади.

1. Ёшлар билан якка тартибда иш олиб боришни кучайтириш ва оилавий хусусий тадбиркорликни кенгайтириш.

2. Ёшларнинг ижтимоий, иқтисодий, сиёсий фаоллигини ошириш, хорижий тажрибаларни ўрганиш орқали уларнинг тадбиркорлик фаолияти ва салоҳиятини ошириш механизмларини ишлаб чиқиш.

3. Ишбилармон ёшларга маслаҳатлар, бизнес таълим, маълумотлар бериш ва жамиятда ёшларнинг етакчи, тадбиркор сифатидаги ижобий имиджини намоён этиш.

4. Ёшлар тадбиркорлигининг янги самарали йўл ва воситаларини топиш, шакл ва усуллариغا эга бўлиш асосида юқори натижаларга эришиш.

5. Ёшларнинг тадбиркорлик фаолиятида ижодий изланувчанлик сифатлари: ижодий фаоллиги, ўзлигини англаши, танқидий тафаккурга эга бўлиши, мустақил ва эркин фикр юритиши, ўз фаолиятини тўғри белгилаб олиши, мақсадга мувофиқ фаолият кўрсатиши, миллий ва маданий қадриятларни чуқур англаши, топқирлик, ҳозиржавоблик, донолик, камтарлик, муомала маданиятига эга бўлиши ва бир неча тилда мулоқотга кириша олиши ҳамда компьютер саводхонлигига жиддий эътибор бериш.

6. Тадбиркорлик фаолиятида ёшларнинг ўз ўзига рефлексив саволларни бериши, яъни: мен тадбиркорлик бўйича нималарни билишим керак? менга бу билимлар нима учун керак? мен нега бу иш билан шуғулланишни хоҳлаяпман? Тадбиркорлик ишини нимадан бошлашим керак? нимани ўзгартириш керак ва нима учун ўзгартириш керак? тадбиркорлик ишида қандай қийинчиликлар бўлди? муаммоларни бартараф этишда замонавий билимларни олдимми? Тадбиркорлик фаолиятининг кейинги истиқболини тасаввур этиш учун нималарни билиш зарур? ва ҳоказо.

Фойданилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси 30.12.2020.
2. Ҳаракатлар стратегияси асосида жадал тараққиёт ва янгиланиш сари Ғофур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, Тошкент-2017.
3. Абдулла Авлоний “Туркий гулистон ёхуд ахлоқ” Т.: “Ўқитувчи”, 1967
4. Абу Наср Фаробий. Фозил одамлар шаҳри. Т., Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 1993.